

**Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги
Тошкент Давлат Юридик Инститuti**



КАФЕДРА: Жиноят процессуал ҳуқуқи

КУРС ИШИ

Мавзу: Жиноят процессининг иштирокчилари

Бажарди: 3-ҳуқуқ “3-
курс “Б” поток 1-гуруҳ
талабаси Муҳаммадиев Ф

Тошкент-2011

РЕЖА:

1. Адвокат — жиноят процессининг иштирокчиси.
2. Мажбурлов чораларини асоссиз қўлланишидан ҳимоя.
3. Судгача иш юритув жараёнида ҳимоячининг иштироки.
4. Адвокатнинг биринчи инстансия судида иштироки.
5. ТАВСИЯ ҚИЛИНГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.

Адвокат — жиноят процессининг иштирокчиси

Жиноят процессида адвокат юридик ёрдам кўрсатувчи шахс. У

- гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчининг ҳимоячиси;

- жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгарнинг вакили сифатида иштирок этади.

Адвокат ким бўлишидан қатъи назар, унинг иштироки жиноят судлов ишларини юргизишда тортишувлик принципи ва тарафларнинг тенглигини амалга оширишга қаратилган. Процессуал-ҳуқуқий манфаатларга эга бўлган шахслар суриштирув, дастлабки тергов ва судда иштирок этиш учун адвокатни жалб этишади. Адвокат санаб шу шахслар билан бирга ёки уларнинг иштирокисиз мустақил равишда жиноят процессида иштирок этиб, ўз мижданинг манфаатларини ҳимоя қилади. У рақиб тараф билан тортишувда муайян тарафнинг вакили сифатида иштирок этади. Тортишув предмети бўлиб жиноий жавобгарликка лойиқ ҳаракат содир этилганлиги ёки содир этилмаганлиги ва у зарарли оқибатларга олиб келгани ёки олиб келмаганлиги устидаги баҳслашувдан иборат бўлади. Ушбу баҳс бўлмаганида ҳақиқатни аниқлаш зарурияти, тортишувлик ва суд терговининг кераги бўлмас эди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов 1995-йил 29-августда Олий Мажлиснинг VI сессиясида демократик ислохотларни чуқурлаштириш вазифаларидан бири этиб: «ҳимояланувчи шахс шаъни, кадр-қимматини ҳимоя қилиш, суд амалиётида юридик ва конституциявий нормаларга қатъий амал қилинишини таъминлаш учун биринчи навбатда адвокатура институтининг аҳамияти ва ролини тубдан кўтариш зарур» эканлигини кўрсатиб ўтди.¹

¹ Халқсўзи. 1995-йил, 30-август.

Жиноят учун жиноий таъқиб махсус ваколатга эга бўлган давлат органи — прокуратура, тергов ва бошқа тузилмалар томонидан амалга оширилади. Шахснинг жиноят содир этганлиги ҳақида тўғридан тўғри ёки турли алоқа воситалари орқали хабар қилиниши, жиноят содир этиш жойида шахсни кўлга олиниши, шунингдек, жиноят содир этилгани ҳақида аниқ бир шахс ўзи арз қилгани, жиноят ишини қўзғатишга ва жиноят таъқибини амалга оширилишига асос ҳисобланади.

Бундан ташқари, жиноят иши факт бўйича қўзғатилган бўлса (*ин рем*), шимингдек, агарда жиноят иши қўзғатиш ҳақидаги қарорда аниқ бир шахс кўрсатилса, ёки жиноят иши маълум бир шахсни пора олиши ёки пора бериши ёхуд шахс тақиқланган фаолият билан шуғулланиши муносабати билан қўзғатилган бўлса (*инперсонам*), айбланаётган шахс ўз ҳуқуқларини шахсан ёки ҳимоячи ёрдамидан фойдаланган ҳолда

ҳимоя этиши мумкин. Яшаш ёки иш жойида тинтув ўтказилган ёки уни гумон остига қўядиган саволлар берилган бўлса, шахс суриштирувчи, терговчи ва прокурор ҳаракатлари ва қарорлари устидан шикоят бериш ҳуқуқига эгадир. Шунинг учун баъзи муаллифлар терговолди ҳаракатлари ва жиноят ишини қўзғатиш ҳақидаги масалани ҳал этиш давридаёқ ҳимоячининг иштирокини мақсадга мувофиқ деб ҳисоблашади.²

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов Конституция кунига бағишланган 1998-йил 5-декабрдаги байрам олди нутқида: «Инсонлар адвокатлар ёрдамидан нафақат суд жараёнида, балки оддий турмушда ҳам фойдаланиши лозим», деб таъкидлаб ўтган эдилар.

Кўп ҳолларда ўйлаб ўтирмай шошилиш тарзда жиноят ишини қўзғатилиши ва бундай муҳим қарорни қабул қилишда йўл қўйилган хато фикр тергов муҳитига ва тергов йўналишига таъсир этади. Суриштирувчи, терговчи ва прокурор жиноят содир этилиши ҳақидаги текширилмаган маълумотларга асосланган ўз тахминларига ишониб қоладилар. Ҳимоячининг вазифаси жиноят ишини қўзғатган шахс тахминларининг

² Хайдаров Н.Н. Подозреваемый в уголовном процессе (проблемы теории и практики). Автореф. канд. юрид. н. — Т., 2000. С. 14.

асоссизлигига ишонтириш, ишда мавжуд бўлган маълумотлар ва фактларни объектив баҳолашга ва жиноят ишининг тугатилишига ёрдам беришидан иборат.

Аммо, жиноят-процессуал қонуни фақат гумон қилинувчи ёки айбланувчи пайдо бўлганидан сўнг ҳимоячини ишда иштирок этишига йўл кўяди. Шунинг учун адвокат ҳимоялаш вазифасини жиноят иши якунидан манфаатдор бўлган шахсга юридик ёрдам беришдан: унинг ҳуқуқларини тушунтиришдан, шикоят аризасини тузишдан, жиноий таъқибни тугатиш учун лозим бўлган ҳужжатлар ва маълумотларни тақдим этишдан бошлаши керак.

Адвокат манфаатдор шахс номидан жиноят ишини асосиз қўзғатилганлиги ҳақида шикоят бериши, прокурорга мурожаат қилиши, шу жумладан:

- ишни қўзғатиш ваколатига эга бўлмаган шахс ёки тегишлилиги жиҳатидан ваколат этилмаган орган томонидан қўзғатилганлиги;

- жиноят тўғрисидаги аризани (маълумотни) тегишлилигига қараб юбориш тўғрисида ЖПКнинг 335-моддаси талабларини бузгани;

- жабрланувчининг шикояти йўқлигига қарамай, ЖПК 118-моддасининг 1-қисми ва 119-моддасининг 1-қисми бўйича ноқонуний равишда иш қўзғатилгани;

- ЖПК 83-моддасининг 1- ва 2-бандларида назарда тутилган ҳолатлар аниқланганда жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш зарурияти ҳақида эътироз билдиришга ҳақли.

Суриштирув органи томонидан ўзининг ваколатлари доирасига кирмайдиган фактлар асосида жиноят ишини қўзғатиш ҳолатлари учраб туради. Ички ишлар органлари баъзи бўлинмаларидаги ходимлар (паспорт бўлими, патрул ва пост хизмати кабилар) жиноят ишини қўзғатиш ваколатига эга эмас, шунинг учун ҳам улар ЖПКнинг 38-моддасида суриштирув органлари қаторида қайд этилмаган. Юқорида кўрсатиб ўтилган нормада қайд этилмаган давлат бошқаруви ва мансабдор шахслар томонидан

жиноят иши қўзғатилиши қонунга хилоф ҳисобланади. Адвокат жиноят иши ноқонуний қўзғатилиши муносабати билан манфаатлари чекланган ҳар бир шахсга ёрдам кўрсатиб прокуратурага мурожаат қилиш орқали бундай асоссиз қарорнинг бекор қилинишига эришиши лозим. Зарур ҳолларда фуқароларнинг қонуний ҳуқуқларини чеклайдиган давлат органлари ҳаракатлари ва қарорлари юзасидан судга шикоят қилиб, келтирилган маънавий зарарни ундириш масаласи ҳам қўйилиши керак.

Умуметироф этилган принципларга кўра, инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, қадр-қиммати ва бошқа ажралмас ҳуқуқлари энг олий қадриятлардир. Шу жумладан, Конституциянинг 13-моддасида инсон ва унинг манфаатларини ҳимоя этилиши давлатнинг бурчи сифатида кўрсатилиб ўтилган. Инсоннинг қонун томонидан тақиқланмаган ҳар қандай манфаати ҳимоя предмети бўлиши мумкин. Н.А.Клюшинсеванинг қонуний манфаат — бу фақат қонун томонидан тан олинган манфаат, деган фикри нотўғридир.³ Бизнинг назаримизда, қонунда кўрсатиб ўтилган ёки ўтилмаганлигидан қатъи назар, инсоннинг ҳар қандай манфаати қонуний деб ҳисобланиши лозим. Конституциямизнинг 20-моддасида «Фуқаролар ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда бошқа шахсларнинг, давлат ва жамиятнинг қонуний манфаатлари, ҳуқуқлари ва эркинликларига путур етказмасликлари шарт», деб кўрсатиб ўтилган.

БМТнинг 1990-йилда бўлиб ўтган ВИИ конгрессида қабул қилинган «Юристар ролига тааллуқли асосий тамойиллар»да «ҳукуматлар барча қамоққа олинган ёки ушлаб турилган шахсларни, бирор жиноий қилмиш содир этганлиги ҳақида айблов эълон қилинган ёки қилинмаганлигидан қатъи назар, қамоққа олинган ёки ушланган вақтдан бошлаб 48 соатдан кечикмаган муддат ичида зудлик билан юрист билан учрашувини таъминлаши лозим»лиги белгиланган (7-модда).

Гумон қилинганлик ва айбланганликдан ҳимояланиш айблов асосига қўйилган ҳар бир далилнинг ҳаққонийлигини текшириб ўтишдан иборатдир.

³ Клюшинцева Н.А. О защите адвокатом гарантированных законом интересов обвиняемого. В сб.: Гарантии прав личности в социалистическом уголовном праве и процессе. Вып. 2. — М., 1977. С. 71.

Гарчи судланувчи ўз айбига иқроп бўлганда ҳам ҳимоячи бу вазифадан озод этилмайди. Ҳимоя ҳақиқий маҳорат ва журъат билан амалга оширилиши лозим.

Ҳимоя ҳуқуқи қуйидаги процессуал принципларга риоя этилишидан иборатдир: қонунийлик, айбсизлик презумпсияси, тортишув, терговчи ҳаракатлари ва қарорлари устидан шикоят бериш эркинлиги ва бошқалар. Айбланувчи, гумон қилинувчи, судланувчи ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда ҳамда ишда ҳақиқатни аниқлашда булар жуда катта аҳамиятга эгадир.

Анча катта имкониятларига эга бўлган давлат ва жамоат айбловчисига қарши ҳимоясиз айбланувчи эмас, балки унга қўйилаётган айбга қарши шахсан ўзи ҳимояланиш ҳуқуқига эга бўлган ёки ўз манфаатларини ҳимоячи оқали ҳимоялай оладиган айбланувчи бўлиши лозим.

Жиноят процессида ҳимояланиш ҳуқуқига нафақат ушланган шахс, балки қамоққа олинган шахс ҳам эгадир. Шу билан бирга, жиноят ишига гумон қилинувчи ёки айбланувчи сифатида жалб этилган ҳар бир шахсга ҳимоя ҳуқуқи кафолатланади.

Судланган ва оқланган шахсни ҳимоя ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 2003-йил 19-декабрдаги «Гумон қилинувчини, айбланувчини ҳимоя ҳуқуқи билан таъминлашга оид қонунларни қўллаш бўйича суд амалиёти» ҳақидаги Пленум қарорининг преамбуласида аниқ кўрсатиб берилгандир.

Амалдаги ЖПКнинг 49-моддасига кўра ҳимоячининг ишда иштирок этишига фуқарога айблов эълон қилинган вақтдан бошлаб ёки у гумон қилинувчи деб эътироф этилганлиги тўғрисидаги қарор эълон қилинган пайтдан ёхуд у ушланган пайтдан бошлаб руҳсат этилади.

Ҳақиқатан ҳам, агарда иш бўйича ҳамма маълумотлар аниқ бўлиб, далиллар шубҳа туғдирмаса, айблов ва ҳимоя тарафлари ҳақиқатни аниқлашга тўсқинлик этмаса, унда низога ўрин йўқ. Бундай жиноят ишлари кўпинча айбдорни жабрланувчи билан ярашуви билан тугатилади.

Қонун ҳимоячининг жиноят процессига киришишни иккита йўлини белгилайди: ҳимоячи ёрдамидан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган шахснинг ўз хоҳиш-иродасини билдириши орқали ёки қонунда белгиланган тартибда ҳимоячини мажбурий иштирок этиш ҳолларида.

Шахсни маълум бир ҳимоячига эга бўлиш истагини, айбланувчининг ўз ҳимоячисига ишончи мавжуд бўлишини кафолатлаш билан тушунтириш мумкин.

Агарда айбланувчи томонидан таклиф этилган ҳимоячи узоқ давр мобайнида ишда қатнашиш имконияти бўлмаса, терговчи ёки суд унга бошқа ҳимоячини топиши ёки уни адвокатлар ҳайъати орқали фақат айбланувчи розилиги билан тайинлаши лозим.

ЖПК 49-моддасининг 2-қисмига биноан ишда ҳимоячи сифатида иштирок этиб: адвокатлар коллегиясининг аъзолари, ҳимоячи сифатида қатнашиш учун махсус рұхсатномага эга шахслар; жамоат бирлашмаларининг ўз аъзоларининг ишлари бўйича вакиллари, гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг яқин қариндошлари ёки қонуний вакиллари, шунингдек, бошқа шахслар қатнашишга ҳақли. Ҳимоячи сифатида ишда иштирок этиши мумкин бўлган шахслар ҳақида гап кетганида, касбий тажрибаси ва ҳуқуқий билимлари ҳимоядаги шахсларга малакали ёрдам беришга етарли, адвокатлик амалиётида ҳимоячи бўлиб иштирок этишга лойиқ шахслар назарда тутилади.

Шу билан бирга, қонун чиқарувчи айбланувчининг ўз яқин қариндошлари, қонуний вакиллари ва бошқа шахсларни ҳимояда иштирок этишини илтимос қилишга ундайдиган сабабларни ҳам ҳисобга олади.

Яқин қариндошларнинг рўйхати Жиноят кодексининг 8-бўлимида кўрсатилган: «қариндошлар ёки қуда томонидан қариндош бўлган шахслар, яъни ота-она, ака-ука ва опа-сингиллар, эр-хотин, фарзанд, шу жумладан, фарзандликка олинганлар, неваралар, шунингдек, эр-хотиннинг ота-онаси, ака-ука ва опа-сингиллари».

Айбланувчининг яқин қариндошлари ва қонуний вакиллари айбланувчи билан қариндош эканлигини тасдиқловчи ҳужжатлар ёки васийлик ва ҳомийлик органининг қарорига асосланиб ҳимоячи сифатида ишда қатнашишлари мумкин. Бошқа шахслар айбланувчи томонидан берилган ишонч-номани тақдим этишади.

Ушбу моддага асосан гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчи ҳимоячиси сифатида адвокатлик фаолияти билан шуғулланмайдиган ва тегишли лицензияга эга бўлмаган шахсларни ҳам тақлиф этишга ҳақлидирлар. Аммо, кўрсатилган шахслар орасидан ҳимоячини танлаш ҳуқуқи чеклангандир: улар ЖПКнинг 49-моддасида қайд этилганидек, «терговчининг қарори ва суд ажрими» бўйича ишда иштирок этиши мумкин.

Биринчи навбатда, бу шахслар ҳимоячи сифатида ишда қатнашиш учун суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суд қарори асосида қатнашиши мавҳумдир. Суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд бу масалада тенг ҳуқуқларга эга. ўйлашимизча, тегишли лицензияга эга бўлмаган шахсларни ҳимоячи сифатида ишда қатнашиш ҳақидаги илтимосномасини фақат айрим ҳолларда қониқтирмаслик мумкин. Ҳимоячи қуйидаги ҳолларда жиноят ишини юритувида иштирок этишга ҳақли эмас:

башарти у судя, прокурор, терговчи, суриштирувчи лавозимида бўлса, лекин башарти у муомалага лаёқатсиз шахсларнинг вакили ёки ўзи ишлайдиган ва фуқаровий даъвогар деб эътироф этилган ёки фуқаровий жавобгар тариқасида ишга жалб қилинган муассасанинг вакили сифатида қатнашса, бундан мустасно (ЖПКнинг 79-моддаси 3-қисм).

Ҳимоясидаги шахс танлаган ҳимоя позицияси билан ва қўлламоқчи бўлган ҳимоя усули билан рози эмаслиги адвокатни ҳимоядан воз кечиши учун узрли сабаб бўлиши мумкин эмас. Адвокат ўзининг бундай ҳаракатлари билан ҳимоядаги шахс аҳволини ёмонлашувига олиб келиши мумкинлигини доимо ёдда тутиш лозим. Ҳимоядаги шахснинг аҳволини ёмонлаштирадиган томонга ҳаракат қилиш қонун билан тақиқланади. Ҳимоя қилинувчи шахснинг ўз айбини тан олмаслиги сабабли адвокатнинг қабул қилган

ҳимоядан воз кечиш ҳақидаги аризаси эса судланувчининг аҳволини ёмонлашувига олиб келади. Адвокат ўз ҳимоясидаги шахснинг тушунтиришларини инкор этиши ва ҳимоядаги шахс лозим деб топган шикоят беришдан бош тортиши ҳисобланади.

Ҳимоя ҳуқуқини таъминлашдаги асосий ҳолатлардан бири — бу ЖПК 51 -моддасининг учинчи қисмида адвокатлар бюроси, хайъати ёки фтрмасираҳбари суриштирувчининг, терговчининг, прокурорнинг ёки суднинг талаби бўйича тегишли билдиришномани олгандан сўнг йигирма тўрт соат ичида ҳимоячи тайинлаши шартлигини белгиловчи қоидаларнинг мавжудлиги. Бу талаб ҳеч қандай истисноларсиз бажарилиши лозим. Акс ҳолда ЖПК 487 моддасининг 8-бандидаги талабга кўра, ишда ҳимоячининг иштироки шарт бўлса-ю, иш унинг иштирокисиз тергов қилинган ёки кўриб чиқилган бўлса, бу жиноят-процессуал қонунининг жиддий бузилиши ҳисобланиб, ҳукм бекор қилинишига олиб келиши мумкин.

Бундан ташқари, бизнинг назаримизда, келгусида «жисмоний нуқсонли ёки руҳий касаллиги сабабли айбланувчини ўзини ўзи ҳимоя қилиш ҳуқуқини амалга оширишга тўсқинлик қиладиган ҳолатлар» тушунчасига аниқлик киритиш лозим. Бу вояга етмаган шахсларнинг чегара ёши, айбланувчилар манфаатлари ўртасидаги қарама-қаршилиқлар ва бошқалардир.

Ҳимоячи ҳимояни самарали амалга ошириши ва унинг ҳуқуқлари гумон қилинувчи ёки айбланувчининг дастлабки сўроқ ёки бошқа тергов ҳаракатларини амалга оширилганлигига боғлиқ бўлмаслиги учун, ҳамда содир этилиши эҳтимол бўлган қонун бузилишларнинг олдини олиш мақсадида ҳимояланувчи ушланган вақтдан бошлаб терговчига қуйидаги талаблар акс эттирилган илтимосномани тақдим этиши лозим:

1) унга дастлабки терговда миждозига нисбатан жиноят иши бўйича ордер берилган кундан ҳимоячи сифатида ишга киришишига руҳсат берилиши;

2) ҳимоясидаги шахсга уни ишга ҳимоячи сифатида киришганлиги ҳақида хабар берилиши;

3)вақтинча ушлаб туриш хонаси ёки тергов хонасининг маъмуриятига мижоз билан дастлабки тергов вақтидаги давомийлиги ва сони чекланмаган холи учрашувларни бериш ҳақида хабар берилиши;

4)ҳимоясидаги шахс иштирокида ўтказиладиган тергов ҳаракатлар баённомаларини ҳамда ўтказилган экспертизалар материалларини таҳлил этиш учун тақдим этилиши;

5)илтимоснома тақдим этилган вақтдан бошлаб ҳимоячининг розилигисиз ҳеч қандай тергов ҳаракатларини ўтказмаслиги;

6)ўтказиладиган тергов ҳаракати ҳақида юридик маслаҳатхонага (адвокатлар ҳайъати ёки адвокатлик бюросига) олдиндан телефонограмма ёрдамида хабар берилиши;

7)айбланувчи ҳимоячидан воз кечгани, бошқа шахсни танлагани ёки айбланувчини ҳимояни ўзи мустақил равишда амалга оширмақчи экани ҳақида буни унинг ёки танланган бошқа ҳимоячи иштирокида ҳимоядаги шахснинг ўз қўли билан ёзилган ариза орқали расмийлаштирилиши шарт.

Мажбурлов чораларини асоссиз қўлланишидан ҳимоя

Жиноят ишлари бўйича суд ишлари юритувининг инсонпарварлиги кўп жиҳатдан процессуал мажбурлов чораларини қўлланилиш доираси ва турига боғлиқдир. Жиддий процессуал мажбурлов чоралари: мажбурий келтириш, ушлаб туриш, қамоққа олиш, шахсни экспертиза ўтказиш мақсадида тиббий муассасага жойлаштириш ва айбланувчини, судланувчини лавозимидан четлаштириш (ЖПК 254, 255-моддалари).

Қамоққа олиш инсонни кўпгина ҳуқуқ ва эркинликлардан маҳрум қилинишлар билан боғлиқ энг жиддий мажбурлов чорасидир.

Қамоққа олиш билан боғлиқ эҳтиёт чорасини фақат айбланувчини содир этган жинояти учун тергов ва суддан бўйин товлашни олдини олиш, ҳақиқатни аниқлашда ҳалал берадиган уринишларга йўл қўймаслик мақсадида қўллаш лозим.

«Эҳтиёт чораси айбланувчи, судланувчини суриштирувдан, дастлабки терговдан ва суддан бўйин товлашнинг олдини олиш; унинг бундан буёнги жиноий фаолиятининг олдини олиш; унинг иш бўйича ҳақиқатни аниқлашга ҳалал берадиган уринишларига йўл қўймаслик ҳукмнинг ижро этилишини таъминлаш мақсадида қўлланилади» (ЖПК 236-м.).

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси билан Сенатнинг 2005-йил 28-январ ойида ўтказилган қўшма мажлисида Ўзбекистон Президенти прокуратура органларининг эҳтиёт чораларини қўллаш бўйича ваколатларини судларга берилиши ҳақида таклиф билан чиқди.

Қонунда қамоққа олишнинг қонунийлиги ва асосланганлигини, қамоққа олишни бекор қилиш ҳолларини суд тартибида текширишнинг кафолатларини кўрсатиб ўтиш лозим, жумладан:

1) айбланувчи, унинг ҳимоячиси ва қонуний вакили қамоқ чорасини қонунийлигини, суд текширувини амалга ошириш юзасидан шикоят бериш ҳуқуқига эга бўлиши керак;

2) айбланувчи қамоқда ушлаб туриш давомида ҳимоячининг ёрдамидан фойдаланиш ҳуқуқи билан таъминланган бўлиши лозим;

3) агарда айбланувчини қамоқда ушлаб туриш муддати уч ойдан ошган бўлса, айбланувчи шахсий шикоят билан мурожаат этмаган бўлса ҳам ва унинг ҳимоячиси йўқ бўлган тақдирда суд ўз ташаббусига кўра қамоқда ушлаб туришнинг асосларини ўрганиб чиқиши лозим;

4) суд муҳокамасига тайёргарлик кўриш жараёнида судья айбланувчини қамоқда ушлаб туриш масаласини ҳал этишга тааллуқли бўлган алоҳида тергов ҳаракатлари ўтказилишини талаб этиши мумкин;

5) суд муҳокамасида қамоққа олишнинг қонунийлиги ва асослангандлигини текшириш прокурор ва айбланувчининг ҳимоячиси иштирокида амалга оширилиши лозим;

б) агарда қамоқда ушлаб туриш уч ойдан ошган бўлиб, охири текширув кунидан икки ойдан кам бўлмаган муддат ўтган бўлса қамоқда ушлаб турилаётган айбланувчи қайта суд текширувини ўтказиш ҳақида илтимос қилиши мумкин;

Судгача иш юритув жараёнида ҳимоячининг иштироки

ЖПКнинг 53-моддасига асосан ҳимоячи қуйидаги ҳуқуқларга эга: манфаатлари ҳимоя қилинаётган шахсни нимада гумон қилинаётган ҳиниёки айбланаётганлигини билиш; ишда иштирок этиш учун ўзига ижозат берилгани тўғрисида суриштирув, дастлабки тергов органлари ва суддан ёзма равишда тасдиқ талаб қилиш; гумон қилинувчи сўроқ қилинаётганда иштирок этиш, шахсга айблов эълон қилинаётганда ҳозир бўлиш ҳамда айбланувчи сўроқ қилинаётганда, шунингдек, унинг иштирокида ўтказиладиган бошқа тергов ҳаракатларида қатнашиш ва гумон қилинувчига, айбланувчига, гувоҳларга, экспертларга, мутахассисларга саволлар бериш; суриштирувчи ёки терговчининг рухсати билан бошқа тергов ҳаракатлари юргизилаётганда иштирок этиш; ўзи қатнашган тергов ҳаракатларининг юритилиши хусусида ёзма мулоҳазалар бериш;

илтимоснома бериш ва рад этиш; далиллар тақдим этиш; давлат органларидан, фукароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлардан ҳамда жамоат бирлашмаларидан ҳимояни амалга ошириш учун зарур бўлган маълумотномалар, тавсифномалар ва бошқа ҳужжатлар сўраб олиш; гумон қилинувчи ёки айбланувчи иштирокида ўтказилган процессуал ҳаракатларга оид ҳужжатлар билан, дастлабки тергов тамом бўлганидан кейин эса жиноят ишига доир барча материаллар билан танишиш ва улардан керакли маълумотларни ёзиб олиш; агар ҳимояни амалга ошириш зарурияти тақозо эса, давлат сирлари, тижорат сирлари ёки бошқа сир ҳисобланган маълумот билан қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда танишиш; ишнинг суддаги муҳокамасида тараф сифатида иштирок этиш; суриштирувчининг, терговчининг, прокурорнинг ва суднинг ҳаракатлари ҳамда қарорлари устидан шикоятлар келтириш; суд мажлисининг баённомаси билан танишиш ва у ҳақда ўз мулоҳазаларини билдириш; иш бўйича келтирилган шикоятлар, протестлардан хабардор бўлиш ва уларга нисбатан эътирозлар билдириш; апелляция, кассация ва назорат инстансияси суди мажлисида иштирок этиш.

Далилларни йиғиш икки асосий қисмдан иборат: ҳақиқий далилларни топиш ва уларни процессуал қайд этиш. Далилларни топиш-далилий маълумотни ва унинг манбалари қидирилишини ўз ичига олади. Далиллар манбаларини топиш далилий ахборотни ўзида акс эттирувчи ахборот ташувчи — объектни қидириш, далилий маълумотларни топиш эса маълумотлар манбаидан ахборотни излаш ва уни таҳлил қилишдан (унинг мазмунини аниқлашдан, қайта ишлашдан) иборатдир.

«Далилларни тақдим этиш» деган тушунча ўз мазмуни ва моҳиятига кўра адвокат томонидан айбланувчини тўлиқ ҳимоя этишга ёрдам бермайди. Аниқ қилиб айтадиган бўлсак, бу ҳуқуқ фақат ҳимоясидаги шахсдан унинг қариндош, яқинларидан ва бошқа шахслардан олинган буюм ва ҳужжатларни тақдим этишдан ва суриштирувчи, терговчи, прокурорга у ҳуқуқий маслаҳатхона ёки сўров орқали олган маълумотномалар, тавсифномалар ва

бошқа материалларни тақдим этишдан иборатдир. Адвокат маълумотни илмий муассасалардан сўров орқали олиш ҳуқуқига ҳам эгадир.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2004-йил 24-сентябрдаги «Далилларнинг мақбуллигига оид жиноят-процессуал қонуни нормаларининг қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида»ги қарорида суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд томонидан қонунни аниқ бажарилишига ва унга риоя қилишдан ҳар қандай чекиниш, эксперт ҳулосасининг экспертиза тайинлаш вақтида гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчини ҳуқуқлари бузилган ҳолда, шунингдек, эксперт рад этилиши шарт бўлган ҳолларда олиншини, у қандай сабабга кўра юз берганлигидан қатъи назар, шу йўл билан олинган далилларнинг номақбул деб топилишига олиб келишлиги белгиланган (3-модданинг «г банди»).

Адвокат ишга киришиши биланоқ терговчига ёзма равишдаги илтимоснома билан мурожаат этиши тавсия этилади. Унда терговчи илтимосномани олган вақтидан бошлаб айбланувчи билан барча процессуал ҳаракатларни ҳимоячининг иштирокисиз ўтказмаслиги ва уларни ўтқазилиш жойи ва вақти ҳақида олдиндан хабардор этишлиги кўрсатилади.

Ҳимоячининг илтимосномалари мижозни оқловчи ёки айбини енгиллаштирувчи ҳолатларга тааллуқли бўлиши лозим. Бундан ташқари улар ўз вақтида тақдим этилган бўлиши, яъни айниқса улар жиноят ишининг тугатилиши ёки эҳтиёт чоралар турини ўзгартиришга асос бўлса, терговни бошқа босқичига қолдирилиши керак эмас. ўз-ўзидан маълумки агар адвокат ишни тўла ёки қисман тугатиш ҳақида илтимоснома киритмаса, бу унинг мазкур илтимосномани бериш ва асос ёъқ, деб ҳисоблаганини, бинобарин айб исботланганини билвосита эътироф этганлигини билдиради.

Адвокатнинг биринчи инстансия судида иштироки

Жиноят ишени суд муҳокамасида кўрилиши судланувчининг ҳуқуқий қисматини узил-кесил ҳал этишда муҳим ўрин эгаллайди. Шахс ўз қилмиши, аниқроғи, унинг зиммасига кўйилган айб тўғрисида масала судда кўрилишида бевосита иштирок этишга ва суд олдида тегишли тушунтириш беришга ҳақли. Айти вақтда судланувчининг судга келиши шарт, агар келмаса, ишни муҳокама қилиш кейинга қолдирилиб, судланувчи мажбуран келтирилиши, унга нисбатан жиддий эҳтиёт чораси қўлланиши мумкин. Узрли сабаблар бўлганда бундай чоралар қўлланмайди. Ҳимоячи бу тўғрида судланувчини огоҳлантириши ва судни ҳурмат қилиш зарурлигини тушунтириши зарур.

Ҳимоячи ва унинг мижозидида позиция ягона ва яқдиллик билан танланган бўлиши, ишдаги материаллар, маълумотлар ва далилларни, айти вақтда келгусида яна топиш, аниқлаш имкониятларини ҳисобга орган, реал бўлмоғи шарт. Позицияни танлашда, биринчи навбатда, айбланувчи унга эълон қилинган айбга қандай муносабат билдирганига боғлиқ: тўла иқрорлик, қисман иқрорлик, иқрор эмаслик, баъзида эса мавҳум сукут сақлаш.

Айбга иқрорлик ҳимояланиш позициясини инкор қилмайди. Айбланувчи ва ҳимоячи қилмишнинг моҳияти ижтимоий хавфлилик даражаси, содир этиш сабаблари ва шарт-шароитлари, турли тасодифий ва жавобгарликни енгиллаштирадиган ҳолатлар, шунингдек, айбланувчининг ижобий хусусиятлари, ижтимоий мавқеи, ҳаёт тажрибаси, оилавий аҳволи кабилар жазо белгилашда инобатга олинишига эришиш керак бўлади.

Айбга қисман иқрор бўлмаслик қилмишни ЖКнинг енгилроқ жазони назарда тутувчи моддаси билан тавсифлаш, айбловнинг баъзи қисмларини

чиқариб ташлаш, етказилган зиён ҳажмини камайтириш кабиларни эътиборга олишни тақазо қилади.

Иш материалларини таҳлил этишни нимадан бошлаш кераклиги хусусида турлича ёндашувлар мавжуд. Лекин таҳлил, одатда, аксарият ҳимоячи томонидан шахсни судда ҳимоя этиш учун, уни нимада айблана-ётганлигини, айблов нимага асосланиб тузилганлигини, айбланувчининг ушбу айбловга бўлган муносабатини ва унинг тавсифини билишдан бошланади.

Бундай маълумотларни ҳимоячи дастлабки терговнинг якуний ҳужжати ҳисобланган айблов хулосаси асосида аниқлаши мумкин. Шунинг учун ҳам кўпчилик ҳолларда ҳимоячилар иш билан танишувни айблов хулосасидан бошлайдилар. Бундай ёндашув самарали ҳисобланади. Айбноманинг ҳуқуқий ва ҳақиқий томонларини аниқ таҳлил этиб, унда тасдиқланган маълумотларни ишдаги материаллар билан таққослаш лозим.

Баъзи ҳолларда эълон қилинган айбнинг ҳақиқий ҳолатга мос эмаслиги иш материаллари билан танишишдан олдин, айблов хулосаси билан танишув вақтидаёқ аён бўлади. Бундай хатолар:

а) айбноманинг якуний қисми, унинг баёнот-тасвирлаш қисми билан мос бўлмаган ҳолларда;

б) айбланувчига қўйилган айбнинг тавсифи (квалификацияси) содир этилган қилмишга зид келганида;

в) айблов хулосасида айбланувчига қўйилаётган айбнинг далил-исботлари келтирилмаганида;

г) бир неча айбланувчи ва кўп эпизодли ишларда ҳар бир айбланувчига алоҳида айб қўйилмаганида ифодаланади.

Бундай схемадан фойдаланиб, шахс неча маротаба сўроқ қилингани, сўроқ ким томонидан ўтказилгани, сўроқ баённомаларидаги далил сифатида фойдаланиш мумкин бўлган муҳим маълумотлар асосида тергов олиб боришда қонун талабларига қанчалик риоя этилганлиги аниқланади.

Ҳимоя режаси қуйидаги уч йўналишдан иборат бўлади:

1)ҳимоядаги шахс билан суд мажлисида иш бўйича эгаллаш керак бўлган позицияни келишиб олиш;

2)иш материалларида қандайдир сабабларга кўра акс эттирилмаган муҳим ҳолатларни, ҳодиса ва далилларни ҳимоясидаги шахсдан билиб олиш;

3)ҳимоядаги шахсга унинг суд мажлиси вақтидаги ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтириб бериш.

Судда иш айблов ҳулосасида баён этилган қилмиш доирасида кўрилади. Давлат айбловчиси, жамоат айбловчиси ҳамда жабрланувчи, фуқаровий даъвогар ва уларнинг вакиллари айблов ҳулосасидаги айбловдан ташқари бирор ортиқча қилмиш ва унинг оқибатлари тўғрисида сўз юритишлари мумкин эмас.

Суд мажлисининг миси иштирокчиларга тегишли ҳуқуқ мажбуриятларини тушунтирганда ҳам ҳимоячи баъзи кўшимчалар киритишга ҳақли.

Суд тергови бошланмасданок ҳимоячи судга кўшимча яна кимлар таклиф этилиши мақсадга мувофиқ экани ҳақида илтимос қилиши мумкин. Ҳар ҳолда ишни судда мазмунан тўла ва холисона кўрилишига ҳалал берадиган ҳолатлар бартараф этилишида ҳимоячи ҳам ўз ҳиссасини кўша олади.

ЖПК 469-моддасининг 3- ва 4-қисмларига мувофиқ прокурор судланувчининг айбсизлигини эътироф этиб, айбловдан воз кечиши ва бу ҳақда ўз фикрини судга ёзма равишда тақдим этиши шарт.

Прокурордан кейин ҳимоячи сўз олиб, иш бўйича судланувчи ҳақиқатан айбсиз эканини имкон борича кўшимча асослар билан тасдиқлаши, агар жабрланувчи бунга норози бўлса, унинг важлари ўринсизлиги тўғрисида ўз фикрини билдириши шарт. Бундай ҳолда айблов ҳукми чиқарган суд жазолаш органига айланиб қолган бўларди.

Суд мажлиси бошланмасдан муҳокама этилган масалалар, жумладан, турли асосларга кўра, ишни кўшимча терговга қайтариш, иш юритишни тўхтатиб туриш ёхуд айблилиги тўғрисидаги масалани ҳал қилмай, ишни ЖПК 84-моддасига биноан тугатиш тўғрисидаги суд ажримлари устидан

ноқори судга хусусий шикоят бериш масаласини ўз миждо билан бирга ҳал қилиш зарур.

Айниқса уларнинг кўрсатув бераётган пайтдаги ортиқча ҳаяжонланиши, кўрқув ҳиссиётларининг сабабларини аниқлаш, воқеликларни эслаб келишига эътибор бериш зарур, Бу эса шахснинг кўрсатувлари нақадар тўғри ва батафсил эканлигини тушунишга имконият дарак беради.

Суд мажлисида ҳар бир иштирокчи қонунга зид, унинг талабларига писандсиз ҳаракатлар, уринишлардан ўзини тийиши, ҳимоячи бундай ҳолларда ўз вақтида суднинг эътиборини қаратиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2003-йил 19-декабрдаги «Гумон қилинувчи ва судланувчини ҳимоя ҳуқуқи билан таъминлашга оид қонунларни қўллаш бўйича суд амалиёти тўғрисида» қарорининг 21-бандида ҳимоя ҳуқуқини таъминлашга оид жинойт-процессуал қонуни нормаларининг жиддий бузилиши деб баҳоланадиган саккиз тури санаб ўтилган. Таъкидлаш жоизки, ҳар қандай процессуал талабларни бузиш судланувчининг қонуний манфаатларига зид, айна вақтда суднинг ҳукми, ажрими ва қарорининг адолатли бўлишига путур етказди.

Худди шундай тартиб судланувчи ва унинг ҳимоячиси судга далил тақдим этганида ва оқловчи кўрсатувларни берадиган гувоҳларни сўроқ қилинишида ҳам амал қилиши, бу ҳолда айбловчи ўз саволларини энг кейин бериши, ҳар сафар шахсни сўроқ қилиш судланувчининг саволлари тугагандан сўнг ниҳоясига етиши шарт.

Суд тергови чоғида тақдим этган ҳар бир далил мазкур ишга алоқадорлиги, мақбуллиги ва ишончлилиги нуқтаи назаридан текширилиши ва баҳоланиши лозим. Айна вақтда ишдаги ҳар бир ҳолат ҳақиқатлиги бир неча шубҳасиз далилларнинг жамига асосланиб тасдиқланган бўлиши шарт.

Излаш, топиш, расмийлаштириш ва жинойт ишига қўшиш чоғида процессуал талаблар бузилган бўлса, аниқланган маълумотлар далилий кучга эга бўлмайди. Ҳимоячи далиллар ва қонунбузарликларни изчиллик билан

аниқланишида фаоллик кўрсатиши шарт, токи ҳеч бир номақбул ва шубҳали маълумот айблов учун асос сифатида фойдаланилмасин.

Суд тергови тамомланганида ҳам судланувчи муҳокама қилинган далилларни инобатга олиб, ўз кўрсатувини ўзгартиш, айбга иқроор бўлиш ёки бирор янги ҳолат тўғрисида судга мурожаат қилиш имкониятига эга.

ТАВСИЯ ҚИЛИНГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.

- 1.Ўзбекистон Республикаси Конституцияси.
- 2.Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси.
- 3.Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси
- 4.“Адвокатура тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни (27.12.1996 й. 349-І-сон)
- 5.“Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни (25.12.1998 й. 721-І-сон)
- 6.“Адвокатура институти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва кўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни (31.12.2008 й. 198-сон)
- 7.“Ўзбекистон Республикаси Адвокатура институтини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони (01.05.2008 й. ПФ-3993-сон)
- 8.Камокка олишга санкция бериш ҳукуки судларга ўтказилиши муносабати билан фуқароларнинг ҳуқук ва эркинликлари ҳимоясини самарали таъминлаш юзасидан прокурор назоратини кучайтириш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 20.11.2007 й. 69-сонли Буйруғи)
- 9.“Амнистия актини қўллаш тартиби такомиллаштирилиши муносабати

билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида” Ўзбекистон Республикасининг Қонуни (22.12.2008 й. 193-сон).

10.“Адвокатура институти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни (31.12.2008 й. 198-сон)